



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2012 йил 18 апрель, № 75 (5495)

Чоршанба

Мамлакатимизда:

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар



Қорақалпоғистон Республикаси

Амударё туманидаги “Ергулобод” фермер хўжалиги сутни қайта ишлашга мўлжалланган технологик линияни ишга туширди.

Янги технологик линия

Бунинг учун 170 миллион сўм сарфланди. Гулмурод Бобониезов саъй-ҳаракати билан амалга оширилган мазкур лойиҳа шарофати туфайли бу ерда беш турдаги сут маҳсулотлари тайёрлаш йўлига қўйилди. Ҳозир бежирим идиш-

ларга қадоқланаётган маҳсулотлар таъми ва сифати билан харидорларга манзур бўлмоқда. Шу билан бирга, корхонада ўнга яқин қишлоқ ёшлари учун доимий иш ўринлари яратилди.

Х. АҲМЕДОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Андижон

Андижон шаҳридаги “Ривож” хусусий корхонасида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар нафақат ички бозорда, балки хорижда ҳам ўз харидорларини топмоқда.

Хорижда ҳам харидоргир

— Бунинг ўз сабаблари бор, албатта, — дейди корхона раҳбари Мамасоли Маллаев. — Чеварларимизнинг барчаси касб-хунар коллежларини битирган. Уларнинг ҳар бири ўз касбининг моҳир устаси. Зеро, малакали мутахассис ҳамда илгор технологияларга таяниб иш кўрган тадбиркор ҳеч қачон ютқазмайди. Ҳозир биз тайёрлаётган Европа ва Осиё халқлари миллий либослари ташқи бозорда ҳам қўлма-қўл бўлмоқда. Биргина ўтган йилнинг ўзида 100 миллион сўмлик маҳсулотни экспорт қилдик. Энди ўз фаолиятимизни кенгайтириб, танлов асосида яна 20 нафар коллеж битирувчисини ишга олмақчимиз.

О. ШОДМОНАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Бухоро

Ипак мато ва қоракўл теридан тайёрланган нақшинкор шарфлар Европа бозорларини забт этиб улгурди, десак, асло муболага эмас.

Европа бозорига йўл

Бу маҳсулот “Бухоро-Қоракўл” масъулияти чекланган жамияти дизайнерлари томонидан яратилиб, ишлаб чиқаришга жорий қилинди.

— Собиқ Қоракўл заводи ўрнида янгидан барпо этилган корхонамизда 3,5 миллион АҚШ долларини микродоридаги сармоа эвазига кенг қўламли модернизациялаш тадбирлари амалга оширилди, — дейди жамият масъул ходими Баҳриддин Ҳамроев.

И. ИБРОҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Навоий

Хатирчи туманидаги 61-умумтаълим мактаби 5 минг АҚШ долларилек ўқув жиҳозлари билан таъминланди.

Мактабларга кичик грантлар

Ушбу хайрли иш Жаҳон банки кредит маблағлари ҳисобидан молиялаштирилаётган “Мактаб таълимини ривожлантириш” лойиҳасининг иккинчи босқичи доирасида амалга оширилди.

Таъкидлаш жоизки, ҳозирга қадар мазкур лойиҳага биноан Қонимех, Учқудук, Нурота ва Хатирчи туманларидаги 148 та умумтаълим мактабига компьютер жамланмаси ҳамда спорт ва ўқув жиҳозлари тўхта этилди.

А. ЗАРИПОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Наманган

Косонсойлик ёш тадқиқотчи Ҳакима Тўрабоева қуёш нуридан электр энергияси олишнинг янги усулини яратди.

Ойнадан олинган қувват

Бу қурилма бирмунча соддалиги ва арзонлиги билан ҳозиргача амалда бўлган қуёш батареяларидан мураккаб фарқланади. Мўҳбил энергия манбаини ҳосил қилишда одатдаги кремний моддаси ўрнига суяк кристалдан фойдаланиш кўзда тутилган. Эътиборли жиҳати, уни икки қават ойнали дераза ромлари воситасида олиш мумкин. Бунда

ойналар орасига жойлаштирилган суяк кристалл қуёш нури ва иссиқликни ўзида жамлаб, электр энергиясига айлантириб беради.

Наманган давлат университети талабаси яратган мазкур қурилма қувайти билан хоналарни ёритиш, ҳатто, телевизор томоша қилиш ҳам мумкин.

Қ. НАЖМИДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Шу йил 3 — 5 май кунлари Тошкент шаҳрида Республика инновацион гоялар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркаси бўлиб ўтди. У Президентимизнинг 2008 йил 15 июлдаги “Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига асосан, бешинчи бор ташкил этилмоқда.



Илм-фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси

ижтимоий-иқтисодий соҳалар ривожини янада жадаллаштирмоқда

...Бозор иқтисодиёти талаблари ўта шафқатсиз. Рақобатга бардош бўлмасанг, “синиб” қолишинг ҳеч гап эмас. Бундай талафотлардан омон қиқш учун тинмай излашни, ишлаб чиқаришга янгиликларни изчил жорий этиш керак. Бу борада мамлакатимиз ишбилармонларининг омади чопган, десак, муболага бўлмайди. Гап шундаки, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш лойиҳалари давлат томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Яна бир эътиборли жиҳати, тадбиркорларнинг зарур ускуна ва жиҳозлар, ишланма ва инновацияларни хориждан қидиришлари ҳамда қўллаб-қувватланмоқда. Аввалги ярмаркалар давомида янгиликларни жорий этиш бўйича умумий қиймати 51 миллиард сўмлик 1584 та шартнома ҳамда ахдлашув протоколлари имзолангани бунинг исботидур. Натижада қиймати 242,2 миллиард сўмлик янги маҳсулотлар, шу жумладан, 15

миллион АҚШ долларилек импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқарилди. Шунингдек, энергия ва бошқа ресурс харажатларини 12,2 миллиард сўмга камайтиришга эришилди.

Жорий йилги ярмарка илм-фан ва ишлаб чиқариш интеграциялашувининг янада ривожланишига хизмат қилади, албатта. Чунки иштирокчиларнинг ҳам, тақлиф этилаётган ишланмаларнинг ҳам сони йил сайин ортиб бораёпти. Ташкилотчиларнинг айтишича, бугунги кунга қадар ярмаркада қатнашиш учун қарийб 900 та ариза келиб тушган. Улар томонидан био ва нанотехнологиялар, ахборот-коммуникация технологиялари, муқобил энергетикани ривожлантирадиган, энергияни иқтисод қилдиган ва сувдан тежамли фойдаланиш имконини берадиган, шунингдек, қўллаб бошқа технологиялар кенг намоёйиш қилинади.

(Давоми 2-бетда).

Ф. Гренет:

«Ўзбекистондаги бетакрор тарихий ва маданий меросни тадқиқ этиш биз учун шарафдир»

Маълумки, ЮНЕСКО ташаббуси билан 18 апрель ҳар йили бутун дунёда Халқаро ёдгорликлар ва тарихий жойлар куни (Умумжаҳон мероси куни) сифатида нишонланади. Ушбу санани нишонлаш умумжаҳон маданий меросини асраб-авайлаш муаммосига жамоатчилик эътиборини жалб этиш мақсадида 1983 йилда ЮНЕСКО хузуридаги Ёдгорликлар ва диққатга сазовор жойларни асраш масалалари бўйича Халқаро кенгаш Ассамблеяси томонидан тақлиф қилинган эди.

Дунё нигоҳи

Умумжаҳон мероси кунида инсоният тарихи мобайнида жаҳон халқларининг яратувчилик саъй-ҳаракатлари билан барпо этилган дунё маданий меросини асраб-авайлаш лозимлиги ёдга олинган аънаёна айланган. Шу муносабат билан Франция Санъат ва нафис адабиёт академияси мухбир аъзоси, Самарқанддаги Ўзбекистон — Франция археология экспедицияси раҳбари Франц Гренет “Жаҳон” ахборот агентлиги мухбири билан бўлиб ўтган суҳбат чоғида мазкур қўша экспедиция аъзолари Ўзбекистондаги бетакрор тарихий ва маданий меросни қайта тиклаш бўйича олиб борилаётган ишлардаги иштирокини ҳамда бу хайрли тадбирга ҳисса қўшишни ўзлари учун катта шараф, деб билишини қайд этди.

(Давоми 2-бетда).

Тадбиркор аёл ташаббуси



Оқила, ташаббускор, хунарманду тадбиркор опа-сингилларимиз бугун жамиятнинг барча жаҳалари қатори ижтимоий-иқтисодий соҳаларда ҳам самарали фаолият кўрсатмоқдалар. Бу, албатта, мамлакатимизда хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантириш, уларнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасидаги фаолият ҳамда интилишларини қўллаб-қувватлаш, касаначиликни ривожлантириш орқали бандликни таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилаётганлиги самарасидир.

Ибрат

У кредит эвазига 6 та замонавий тикув машинаси, дазвол ва жиҳозлар сотиб олди. Мана, бугун тадбиркорнинг қизлари, шоғирдлари тиккан чорсу, сўзана, дўпнио нимчалар қўшни вилоятларда ҳам ўз харидорини топиб улгурди. Хунармандлар оиласи ўтган бир йил ичида банкдан олинган кредитни тўлиқ қайтарилди. Қувонарлиси, яқинда Шодмонжоннинг мўъжазгина чеҳида тўй либослари тикила бошланди. Энди бўлажақ келинлар либос излаб, қўшни туманларга боришга тўғри, овера бўлишаётгани йўқ.

(Давоми 2-бетда).

Сурхондарё вилоятида ҳам ана шундай қулай имтиёз ва шарт-шароитлар туфайли тадбиркор аёлларнинг вилоят иқтисодиётидаги улуши тобора ортиб бормоқда. Хусусан, бугун Узун туманида 100 нафардан зиёд тадбиркор аёллар аҳоли бандлигини таъминлашга муносиб хисса қўшишаётир. Зеро, ҳудудда махсус дастурга мувофиқ яратилган бир ярим мингдан зиёд иш ўринлари хотин-қизлар ташаббуси билан йўлга қўйилган оилавий тадбиркорлик ва хунармандчилик ҳиссасига тўғри келади.

...Бундан бир йил муқаддам Шодмонжон Норқулова икки

қизини ёнига олиб, Мустақиллик деб номланган маҳалла ҳудудида “Мафтун” гўзаллик салонини ташкил этган эди. Кейинчалик иш жараёнида маълум бўлдики, бу ерга мурожаат қилувчиларнинг ақсариятига либос дизайни бўйича маслаҳатлар керак бўлар экан. Демак, тикувчиликни йўлга қўйиш зарур. Тадбиркор аёл шундай ўйга борди. Аниқ бизнес-режа тузиб, банкдан кредит олган 12 нафар хунарманд хотин-қизини жалб қилиб, миллий каштачилик, қуроқ тикиш, зардўлик ҳамда тикувчиликни йўлга қўйди. Бугун эса Шодмонжон билан бақамти меҳнат қилаётган андижонлик

келин Зулфия Юнусалиева кичик корхонанинг фаолият йўналишини дўпидўзлик хунари билан бойитиб бормоқда. Зулфия келин момоси ва онасидан ўрганган ушбу хунар сирларини маҳалла қизларига ҳам ўргатапти. Уларнинг қўлида жило топган “Андижон”, “Шаҳрихон”, “Чуст”, “Марғилон” ҳамда “Ироқи” дўппилар жуда харидоргир.

— Шодмонжон Норқулова ўтган йили “Микрокредитбанк”нинг туман бўлимидан 5 миллион сўм олиб, тадбиркорлик фаолиятини бошлаган эди, — дейди “Хунарманд” уюшмасининг туман бўлими бошлиғи Гулсара Халилова. —

Анжуман

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасида 16 апрель куни солиқ органларининг 2012 йил 1 чорақдаги фаолияти яқунлари ва 1 ярим йиллик учун устувор вазифаларига бағишланган кенгайтирилган Ҳайъат йиғилиши ўтказилди.

Солиқ соҳасидаги долзарб вазифалар

Унда Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон ва қарорлари ҳамда ҳукумат қарорлари билан солиқ органлари зиммасига юклатилган вазифаларнинг бажарилиши сарҳисоб қилинди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 30 декабрдаги қарорига биноан 1 чорақда Давлат бюджети ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармаларига тушумларни таъминлашда мавжуд манба ва имкониятларнинг сафарбар қилиниши юзасидан ҳудудий давлат солиқ шизмати органларида ўтказилган ўрганишлар натижалари танқидий таҳлил қилинди ҳамда 11 чорақ прогност кўрсаткичларини сўзсиз бажаришга доир вазифалар белгилаб олинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 8 январдаги “Республика солиқ органлари тизимини янада модернизация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, бозорлар ва савдо комплекслари

(Давоми 2-бетда).

Реал сектор корхоналари қўллаб-қувватланмоқда

Мамлакатимизда сўнгги ўн йилда тижорат банклари томонидан иқтисодиётнинг реал секторини кредитлаш ҳажми

7 баробарга ошди.

Банкларнинг капиталлашуви, уларнинг барқарорлиги ва ликвидлигини янада мустаҳкамлашга қаратилган чора-тадбирлар изчил амалга оширилаётгани туфайли уларнинг инвестициявий фаоллиги ортиб, ана шундай ижобий натижага эришилди.

Бир рақам шарҳи

«Биз — бир жамоа, биз — бир оила»

Бугун ёшларимизнинг интилиш ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, иқтидорли, изланувчан ўғил-қизларни янада фаолликка ундаш мақсадида кўпгина хайрли ишлар амалга оширилмоқда.

Жўшқин ёшлик шижоати

Хусусан, “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси, “Келажак овози” ёшлар ташаббуслари маркази ҳамда “Аёллар кенгаши” жамоат бирлашмаси ҳамкорлигида мамлакатимизнинг барча вилоятларида уюшқоқлик билан ўтказилаётган “Биз — бир жамоа, биз — бир оила” номли

акция ҳам ёрқин таассуротлар, қизгин ижодий мулоқотларга бой бўлган ўзига хос лойиҳадир.

Кеча мазкур акция доирасидаги маънавий-маърифий тадбирлар Андижон вилоятида ҳам бўлиб ўтди. Ёшларнинг жўшқинлик, шижоат ва эзгу мақсад сари интилишлари ифодаси са-

налмиш ушбу тадбирда ўқувчию талабалар, номдор спортчилар, республикамиз ва жаҳон миқёсидаги турли кўрик-танловларда голиб чиққан ўнлаб иқтидорли йигит-қизларни учратиш мумкин эди.

Акция доирасида ташкил қилинган “Таълим ва кариера” кўрғазмасига вилоятда фаолият юритаётган йирик ташкилот ва муассасалар, қўша корхоналар вакиллари, тадбиркор хунармандлар иштирокчи сифатида тақлиф этилдилар.

(Давоми 2-бетда).

МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАН ҚАТЪИ НАЗАР, БАРЧА КОРХОНА, ТАШКИЛОТ ВА МУАССАСАЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ



2011/2012 ўқув йилида битирувчи бакалавр ва магистрларни йўлланмалар асосида ишга тақсимлашга киришганлигини маълум қилади.

Институт бакалавр ва магистрлари бой назарий билимлардан ташқари, замонавий инновацион ахборот технологиялари билан яқиндан таниш бўлиб, хар жиҳатдан рақобатбардош ва давр талабларига жавоб берувчи мутахассислардир. Айти шундай бакалавр ҳамда магистрларга эҳтиёжи мавжуд бўлган корхона раҳбарлари талабнома ва суров хати билан 2012 йил 5 майдонда институт ректоратига мурожаат этишлари мумкин. Талабномада буюртмачининг реквизитлари (почта манзили, телефон) ҳамда таклиф этилаётган лавозим тўғрисидаги маълумотлар тўлиқ кўрсатилса, мақсадга мувофиқ бўлади. Шунингдек, корхона ва ташкилотлар масъул раҳбарларини битирувчилар билан бевосита суҳбат ўтказиш учун 2012 йил 7 — 10 май кунлари институтда ўтказиладиган «Карьера ҳафталиги» тақсимот тадбирига таклиф этилади.

Сизнинг эhtiборингизга йўналишлар бўйича қуйидаги маълумотларни илова қиламиз. Битирувчилар тўғрисидаги батафсил маълумот билан институт веб-сайти (<http://tfi.uz>) нинг «Битирувчилар» бўлимида танишиш мумкин.

Маълумот учун телефон: (8-371) 234-41-39.
Тошкент молия институтининг маркетинг хизмати бўлими, факс: (8-371) 234-78-70.
Манзилимиз: Тошкент шаҳри, 100000, Амир Темур шоҳқўчаси, 60-«А» уй. E-mail: tfi@tfi.uz

2011/2012 ўқув йилида битирувчи бакалаврлар тўғрисида маълумот

№	Бакалавр йўналишларининг номи	Жами битирувчилар сони	Шу жумладан, вилоятлар бўйича тақсимот													
			Коракалпоғистон Республикаси	Андижон	Бухоро	Жиззах	Қашқадарё	Навоий	Наманган	Самарқанд	Сирдарё	Сурхондарё	Тошкент	Фарғона	Хоразм	Тошкент шаҳри
1.	Банк иши	232	9	1	20	13	17	10	3	18	5	4	14	12	16	90
2.	Молия	342	15	9	27	20	34	16	10	33	4	18	33	15	15	93
3.	Бухгалтерия ҳисоби ва аудит	238	3	2	30	19	32	14	7	19	5	11	16	10	16	54
4.	Солиқлар ва солиққа тортиш	146	4	1	8	5	13	5	2	10	8	9	17	5	13	46
5.	Сугурта иши	30														10
6.	Касб таълими (бухгалтерия ҳисоби ва аудит)	90	1	2	21	18	18	9	2	18	2	4	6	3	3	19
7.	Менежмент	73														32
8.	Инвестицияларни молиялаштириш	58	2		2	5	1	5	1	5	3	4	6	1	1	34
9.	Молия инжиниринги	42	2													25
10.	Бозорлардаги фаолият ва операциялар	34			2	4	2	2	2	1	2	5	3	4	4	16
11.	Фазначилик	60	1		4	5	5	5	2	5	1	5	2	1	1	28
12.	Инқирозга қарши бошқарув	24			4	2	2	1	1	2	1	1	2	1	1	14
13.	Бизнесни бошқариш	33			2	1	4	1	1	3	5	2	2	1	2	10
Жами		1402	35	15	119	80	138	66	25	119	40	58	112	51	73	471

2011/2012 ўқув йилида битирувчи магистрлар тўғрисида маълумот

№	Магистратура мутахассисликларининг номи	Жами битирувчилар сони	Шу жумладан, вилоятлар бўйича тақсимот													
			Коракалпоғистон Республикаси	Андижон	Бухоро	Жиззах	Қашқадарё	Навоий	Наманган	Самарқанд	Сирдарё	Сурхондарё	Тошкент	Фарғона	Хоразм	Тошкент шаҳри
1.	Давлат молиясини бошқариш	29	5	1	4	1	3		1	1			1			12
2.	Корпоратив молия	18			1	1	3		1	1			2			9
3.	Халқаро молия	16			1	1	3			2			1			9
4.	Молиявий менежмент	18					3	1	2	1			3			7
5.	Инвестиция лойиҳаларини таҳлили ва комплекс экспертизаси	10					1		1	1	1		1			6
6.	Лойиҳаларни молиялаштириш	9					2	1		1	1		1			3
7.	Инвестиция лойиҳаларини мониторинги	11	3				1						3			5
8.	Кредит	29		1	2		3			3			3			14
9.	Халқаро валюта-кредит муносабатлари	24	1		4		1	1					2			13
10.	Халқаро банк иши	9					1						1			7
11.	Банк ва кредит рисклари	17			3		2		1	2			1			7
12.	Банкларда бухгалтерия ҳисоби	17			1		1	1		1			1			10
13.	Банк аудити	13			2		1	3		1			1			5
14.	Сугурта андеррайтинги ассистанси	9	1		1		1						1			5
15.	Сугурта актуарий ва экспертизаси	12	1		1		1						2			5
16.	Бухгалтерия ҳисоби (тармоқлар бўйича)	20			2		2			2			2			11
17.	Аудит (тармоқлар бўйича)	25	1		1		2	3		3			1		1	12
18.	Ташқи иқтисодий фаолият	12			1		2			1			2			4
19.	Иқтисодий таҳлил	18			1		2	1		1			5			6
20.	Бюджетни фазначилик ижроси	13	1		2		1	1		2			2			9
21.	Макроиктисодий статистика	17	2		1		1			2			2			4
22.	Қимматли қозғалар савдосини ташкиллаштириш	12	1		1		1			1			1			8
23.	Қимматли қозғалар билан операциялар ва активлар секьюритизацияси	7			2								1			4
Жами		365	16	5	32	13	32	8	8	18	4	7	25	6	16	175

«SAGDIANA REAL SERVIS» МЧЖ

савдолар залида 2012 йил 4 ва 21 май кунлари соат 11.00 да объект бошланғич баҳоси юқорилаб борувчи очик аукцион савдоларига қуйидаги объектлар қайта сотувга қўйилганини маълум қилади.

Тошкент шаҳар ЖИБ Олмазор (С. Раҳимов) тумани судининг 2010 йил 2 апрелдаги 1-17/10-сонли ижро варақасига асосан хатланган, суд департаментининг Самарқанд вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан қуйидаги объектлар савдога қўйилган:

- «Шохрўбек» хусусий фирмасига тегишли, Самарқанд шаҳри, Фарҳод қўрғонида жойлашган, умумий ер майдони 18 276,81 кв.м., қурилиш ости майдони 4 717,90 кв.м. бўлган ишлаб чиқариш цехи биноси. **Бошланғич баҳоси — 593 352 900 сўм.**
- «Ал-Азизбек АГТҚШ» МЧЖга тегишли, Самарқанд тумани, Оҳалик қишлоғида жойлашган, умумий ер майдони 29 817,12 кв.м., қурилиш ости майдони 3 268,95 кв.м. бўлган болалар соғломлаштириш оромгоҳи. **Бошланғич баҳоси — 341 516 160 сўм.**

Манзилимиз: Самарқанд шаҳри, Беруний кўчаси, 196-уй. Телефонлар: (8-366) 229-03-12, 229-65-88, (+99866) 269-41-11. Мўлжал: Чой қадоқлаш фабрикаси қаршида.

«ТОШКЕНТ ТРУБА ЗАВОДИ» ҚК

ўзида ишлаб чиқарилган маҳсулотни сотади. (ҚҚС билан)

«Тошкент труба заводи» ҚК сизга шуни маълум қиладики, бизнинг корхона «API-5L» стандарти бўйича Ø325, Ø377, Ø426, Ø530, Ø630, Ø720, Ø820, Ø920, Ø1020, Ø1220, Ø1420, Ø1620 мм.гача, деворининг қалинлиги 6,0 — 24,0 мм. бўлган, электрпайвандланган, спирал чокли қувурлар ишлаб чиқаришни ўзлаштирди.

Қувурлар Х42 мустаҳкамлик гуруҳи бўйича ишлаб чиқарилади. Қувурлар 3845-65 ГОСТ бўйича гидравлик босимда синовдан ўтказилган.

Баҳоси — 1 тонна учун 3 950 000 сўм. Тўлов пул ўтказиш йўли билан. 2012 йилдаги эҳтиёжни йил чоракларига бўлиб беришингизни сўраймиз.

Телефонлар: (8-371) 241-31-72, 241-29-94. Факс: (8-371) 241-31-94.

ЭЪЛОНЛАР КАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача

232-11-15, 236-09-25.

E-mail: reklama@xs.uz

«eurofence» тўрли панель тўсиқлари спорт майдончалари, тураржой, паррандачилик фермалари ва бошқа катта ҳудудларни тўсишда қўлланилади. Буюртма бўйича ўлчамдаги каттак тўрли тайёрлаш. Буюртма бўйича турли мураккабдаги металлдан тайёрланган маҳсулотлар: фермалар, устунлар (колонна), парпетлар ва ҳокзалар. Болгалаб безак бериб ясаш (художественная ковка), панжаралар, туткичлар (перила), дарвозалар ва бошқалар. Том, сунъий ҳавза, ҳовуз (бассейн)ларни ёпиш учун ПВХ-мембрана, маҳсулот қафолати — 50 йилгача.

www.stroyca.uz al-rami@inbox.ru (+99890) 187-44-65.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки жамоаси Марказий банкнинг Пул муомаласи департаменти бошқарма бошлиғи Тамара Алексеевна Кнопвага турмуш ўртоғи **Валерий Маркович КНОПОВНИНГ** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзгросугурта» давлат-акциядорлик сугурта компанияси (ОАЖ) жамоаси компания бошқарув раисининг биринчи ўринбосари **Ботиржон Маҳкамович ҲАМИДОВНИНГ** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ректорати ва касба уюшма кўмитаси Испан тили лексикология ва стилистика кафедраси катта ўқитувчиси Шарифа Холматовна турмуш ўртоғи **Тўхтамурод ҚОРИЕВНИНГ** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«REALTOR GARANT BUSINESS» МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич охиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади!

- Савдога Қўрай тумани СИБ томонидан, 2011 йил 14 ноябрдаги 1-41/11-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Қўрай тумани, Байқўрғон ҳудудига жойлашган, умумий майдони 752,76 кв.м. бўлган бино-иншоот қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси — 650 289 516 сўм.**
- Савдога Қўрай тумани СИБ томонидан, 2010 йил 28 апрелдаги 11-1019/2653-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Қўрай тумани, «Қипчоқ» қишлоқ кенгашида жойлашган, умумий майдони 4346 кв.м. бўлган бино-иншоот қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси — 120 000 000 сўм.**
- Савдога Қўрай тумани СИБ томонидан, 2012 йил 19 январдаги 609-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Қўрай тумани, Ибн Сино кўчасидаги умумий майдони 304,20 кв.м. бўлган рақамсиз уй қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси — 38 174 000 сўм.**
- Савдога Қўрай тумани СИБ томонидан, 2012 йил 1 февралдаги 1087-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Қўрай тумани, «Тузёл» ҚФЙ, Анҳор кўчасидаги умумий майдони 1142,05 кв.м. бўлган рақамсиз уй қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси — 195 581 480 сўм.**
- Савдога Мирзо Улуғбек тумани СИБ томонидан, 2012 йил 17 февралдаги 2-124-11 ва 8505/8-сонли ижро варақаларига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Ц-1 даҳаси, 52-уйдаги 24-хонадон қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси — 100 132 677 сўм.**
- Савдога Мирзо Улуғбек тумани СИБ томонидан, 2012 йил 21 февралдаги 1-6176 ва 11348/8-сонли ижро варақаларига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, М. Ҳақимова кўчасидаги 34-уй қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси — 375 000 000 сўм.**
- Савдога Учтепа тумани СИБ томонидан, 2010 йил 4 мартдаги 2-036/10-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Мирхўнд 5-тор кўчасидаги 21-«А» уй қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси — 79 273 520 сўм.**
- Савдога Қўрай тумани СИБ томонидан, 2011 йил 21 июлдаги ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, «А. Ортоқов» ҚФЙ, Нов маҳалласи, Самарқанд кўчасида жойлашган чойхона ва бино-иншоотлар қўйилмоқда. Бинолар умумий ер майдони 0,2576 гектар бўлган ерда жойлашган. **Бошланғич баҳоси — 100 000 000 сўм.**
- Савдога Қўрай тумани СИБ томонидан, 2011 йил 21 ноябрдаги ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, Самарқанд кўчасидаги умумий майдони 487,41 кв.м. бўлган 34-«А» уй қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси — 100 000 000 сўм.**

Аукцион савдоси 2012 йил 22 май кунни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Юқоридаги мулклар 2012 йил 22 май кунни савдода сотилмаган тақдирда, мазкур мулкларни сотиш юзасидан такрорий савдо 2012 йил 5 июнь кунни бўлиб ўтади. Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан суд департаменти вакили иштирокида бевосита жойга чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар уш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилиш аукцион кунидан бир кун олдин ўтказилади. Савдога қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закат пулини «REALTOR GARANT BUSINESS» МЧЖнинг Тошкент шаҳар, «Ипотека-банк» АТИБ Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000504936050002, МФО: 00425, СТИР: 207125885.

Манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Буюк Ипак йўли кўчаси, 184-уй. Телефон: (8-371) 266-80-76.

ТАРОЗИЛАР Micros

0,0001 гр дан 250 тоннагача

ЧЕГИРМАЛАР 20% ГАЧА

Сертификатланган + Сифат + Кафолат + Сервис

Кичик Бешёғон к. 86 (сўб. Глинка кўчаси, олдинги шаҳар ГАЙСИ қаршида), тел.: (+998 71) 200-34-34, (доп. 850), факс: 281-43-65; Тўйтапа к. 5 (Давлат поликлиника бекати), тел.: (+998 71) 232-06-61, 236-04-49, 233-60-07; Беруний к., «Тинчлик» метро бекати), тел.: (+998 71) 120-85-85, 242-42-52, 249-39-50.

www.micros.uz; e-mail: scales@ucd.uz; micros@ucd.uz

ОБ-ҲАВО

(18 апрель)

Коракалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятларида

+12 +17 +30 +35

Бухоро ва Навоий вилоятларида

+12 +17 +30 +35

Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятларида

+10 +15 +28 +33

Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида

+13 +18 +30 +35

Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятларида

+10 +15 +28 +33

Тошкент шаҳрида

+12 +14 +29 +31

СОТАМИЗ:

- ИСИТИШ ҚОЗОНЛАРИ* 15 кВтдан 2000 кВтгача
- БЛОКЛИ АВТОНОМ ҚОЗОНХОНАЛАР 100 кВтдан 5000 кВтгача
- НЕФТЬ, ГАЗ ва КИМЁ САНОАТИ УЧУН ЖИҲОЗЛАР*: турли хил ҳажмдаги, босимга чидамли идишлар, сепараторлар, тиндиргичлар, иссиқликни алмаштириб турувчи қурилма, шовқинчи пассивирадиган мослама, машъала устуни ва каллаг, технологик реакторлар.
- ЗАМОНАВИЙ ИССИҚХОНА МАЖМУАЛАРИ ТАЙЁР ҲОЛАТДА.

Буюртма бўйича. Маҳсулот сертификатланган.

Офис тел.: (8-370) 715-01-48, 715-05-32. Моб. тел.: (+99870) 713-96-80, (+99870) 713-70-10, (+99897) 711-58-65, (+99870) 346-92-25. e-mail: chks.uz@mail.ru www.chk-uz.com

